XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND SHAHAR KENGASHINING QARORI

2020 yil "15" декабрь №06-18/141 Samarqand sh.

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи А.Маматовнинг Самарқанд шаҳридаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларини ўзгартириш, янги маҳалла фуқаролар йиғинларини ташкил этиш тўғрисида

Самарқанд шаҳрида кейинги йилларда элликка яқин уй-жойлар бунёд этилди, шаҳарни янада кенгайтириш, замонавий кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари қуриш ишлари давом этмоқда. Шу сабабли, аҳолини ўсиб бориши сабабли, янги маҳаллалар ташкил этишга эхтиёж туғилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 31-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Шаҳарлар, посёлкалар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги Низом, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг 2020 йил 19 октябрдаги 03-08-8617-сонли хати шунингдек "География объектларга ном бериш ёки уларни қайта номлаш тўғрисида"ги таклифларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ҳақидаги 2020 йил 16 октябрдаги эксперт хулосасини инобатга олиб, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши VI чақириқ, 18-сессияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари - маҳалла ва оилан қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А.Маматовнинг "Самарқанд шаҳридаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларини ўзгартириш, янги маҳалла фуқаролар

йиғинлар ташкил этиш тўғрисида”ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шаҳардаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғини таркибидан ажралиб чиқаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари 1-иловага, номи ўзгартирилган маҳалла фуқаролар йиғини 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари **(Эгамов)**, шаҳар ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими **(Маматов)**, шаҳар ҳокимлиги молия бўлими **(Мамадалиев)**, сектор раҳбарларига:

янги ташкил этиладиган маҳалла марказларида ходимлар учун яратилган иш шароитлари ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар мавжудлигини ўрганиб чиқиш ва амалий ёрдамлар кўрсатиш вазифалари топширилсин.

4. Самарқанд вилояти ер ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат корхонаси шаҳар филиали **(Абжалов)**га бир ойлик муддатда шаҳардаги барча янги ташкил этилаётган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари чегараларини акс эттирувчи чизмаларини тайёрлаб, шаҳар Кенгаши тасдиғига киритиш вазифаси топширилсин.

5. Шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолияти мувофиқлаштириш бошқармаси **(Қодиров)**, шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи **(Маматов)**, 10 кун муддатда янги ташкил этилган маҳаллаларнинг муҳр-тамғаларини белгиланган тартибда тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

6. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси **(Бабабекова)**га бир ойлик муддатда янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинларида амалдаги қонун талабларига риоя этган пандимия шароитидан келиб чиқиб янги сайлов ўтказиш топширилсин.

7. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари - маҳалла ва оилан қўллаб-қувватлаш бўлими **(Маматов)** янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинларига амалдаги қонун талабларига мувофиқ тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиш, бурчак штампи ва мухр билан таъминлаш топширилсин.

8. Шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати **(Пўлатов)**га мазкур қарорни белгиланган тартибда шаҳар ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштириш ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг “Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси” **(Бабабекова),** шаҳар ҳокимининг ўринбосари **(Маматов)** зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Б.Облакулов**

Халқ депутатлари Самарқанд
шаҳар Кенгашининг 2020 йил 18 декабрдаги
06-18/141 сонли қарорига
1-илова

Мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинлари таркибидан ажралиб чиқаётган янги маҳалла фуқаролар йиғинлари

Т/р	МФЙ номи (ажралгунча)	Т/р	Ажралгандан сўнг
1.	Дукчиён	1.	Дукчиён
		2.	Хўжа Ғулом
2.	Хўжақишлоқ	3.	Хўжақишлоқ
		4.	Азизон
3.	Сайҳун	5.	Сайҳун
		6.	Чармгари
4.	Обод Маскан	7.	Обод маскан
		8.	Қорасув
		9.	Баҳодир Ялангтўш

Изоҳ: жами бўлиб 4 та маҳалла таркибига ўзгартириш киритилади, янги 5 та маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилади.

Ҳозирда Самарқанд шаҳрида мавжуд 210 та маҳалла фуқаролар йиғинлари 5 тага кўпайиб 215 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бўлади.

Халқ депутатлари Самарқанд
шаҳар Кенгашининг 2020 йил 15 декабрдаги
06-18/141 сонли қарорига
2-илова

Номи ўзгартирилаётган маҳалла фуқаролар йиғини

Т/р	МФЙнинг эски номи	МФЙнинг янги номи
1.	Устозлар	Чакар